

№13-14
(1523-1524)
2025-YIL
17-IYUL



t.me/o'zbekistondasog'liqni saqlash

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOIIY –SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

РЕСПУБЛИКАДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ВА АҲОЛИГА ТИББIIY ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СОҲАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимини энг илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббiiй хизматлар сифатини ошириш, бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, соҳага янги бошқарув тамойилларини жорий қилиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) халқаро тажрибага асосланган аҳолига бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги моделини жорий

қилиш;

(б) бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами муассасалари, хусусан, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар, маҳалла тиббиёт пунктлари фаолиятини ягона ёндашув асосида ташкил қилиш орқали аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш;

(в) аҳолига тиббiiй ёрдам кўрсатишда оилавий шифокор улушини 70 фоизга етказиш;

(г) соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда тиббиётда қоғозбозликни камайтириш орқали тиббиёт ходимлари иш юкларини 30 фоизгача камайтириш;

(д) аҳолининг бирламчи тиббiiй-санитария ёрдамида розилиги даражасини 85 фоиздан ошириш;

(е) тиббиёт ходимларини самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари асосида моддий рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

(ж) тиббиёт бригадалари хо-

димларининг билим ва кўникмаларини ошириш.

II. Тажриба-синов лойиҳаси

2. 2025 йил 1 июлдан бошлаб 1-иловага мувофиқ белгиланган туман (шаҳар)ларда, 2026 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида тажриба-синов тарихида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели (кейинги ўринларда – тажриба-синов лойиҳаси) жорий қилинсин.

3. Белгилансинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизида туман

(шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилади;

(б) бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами тизимида:

(I) оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари, шу жумладан, уларга филиал сифатида бириктирилган муассасалар ҳамда маҳалла тиббиёт пунктлари бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, юридик мақомга эга оилавий поликлиникаларга ҳамда уларнинг филиалларига айлантирилади;

(II) оилавий поликлиникаларда аҳолига тиббiiй ёрдам кўрсатувчи оилавий шифокор,

Давоми 2-бетда ⇒

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббiiй хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-88-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. 2025 йил 1 июлдан республиканинг 15 та туман (шаҳар)ларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса Самарқанд вилоятида тажриба-синов тарихида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини (кейинги ўринларда – Тажриба-синов лойиҳаси) жорий этиш доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами муассасала-

ри фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш орқали оилавий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббiiй хизматлар сифат ва самарадорлигини ошириш;

(б) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмаси, оилавий поликлиникалар, марказий шифохоналарнинг вазифа ва функцияларини, шунингдек, тиббiiй ёрдам кўрсатишда аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

(в) тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оши-

риш, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш;

(г) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вертикал бошқарувида туман (шаҳар) бўғинини ислоҳ қилиш орқали амалга ошириладиган ислоҳотларни жадаллаштириш ва мониторинг қилиш;

(д) аҳолига тиббiiй хизмат кўрсатишда қисқа муддатли чора-тадбирларни ўз ичига олган «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастурини амалга ошириш.

II. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларини ташкил этиш ва тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш

2. Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш, унинг

ижроси устидан доимий мониторинг ва таҳлил ўтказиб бориш, шунингдек, Тажриба-синов лойиҳасини республиканинг барча ҳудудларига кенг татбиқ этиш мақсадида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилсин.

3. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) мавжуд бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами муасса-

саларини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижалари асосида Тажриба-синов лойиҳаси талабларига мувофиқ амалдаги бирламчи тиббiiй-санитария ёрдами муассасаларини юридик мақомга эга тегишли типдаги оилавий поликлиника шаклида қайта ташкил этиш;

(б) кўп тармоқли марказий поликлиникаларни марказий шифохоналарнинг маслаҳат-диагностика бўлинмаларига айлантириш;

(в) Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт бригадаларини янги нормативларга мувофиқ қайта шакллантириш ҳамда уларга аҳолининг қайта бириктирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Давоми 4-бетда ⇒

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИРЕСПУБЛИКАДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ВА
АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СОҶАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1 – бетда

педиатр, акушер-гинеколог ва ташхислаш хизматларини кўрсатувчи мутахассислар, шунингдек, аутсорсинг асосида стоматология хизмати йўлга қўйилади ҳамда оилавий поликлиникалар зарур тиббий ускуналар билан таъминланади;

(III) аҳолига оилавий шифокорни эркин танлаш ҳуқуқи берилади;

(IV) тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи битим тузилади;

(V) хусусий оилавий шифокорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш бўйича аҳоли ва хусусий оилавий шифокорлар ўртасида битим тузишга рухсат этилади;

(VI) аҳолига тиббий хизматлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) доирасида оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадасининг йўлланмаси асосида бепул кўрсатилади (шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно). Кафолатланган пакетга киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмаси мавжуд бўлмасдан тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқароларга тиббий ёрдам пуллик асосда кўрсатилади;

(VII) тиббиёт бригадасига 3 минг нафар, зарур ҳолларда, белгиланган меъёрларга қўшимча аҳоли бириктирилиши мумкин. Бунда 2030 йилга қадар бир тиббиёт бригадасига кўпи билан 1,7 минг нафар аҳоли бириктирилиши стратегик мақсад этиб белгиланади;

(VIII) олис ва чекка ҳудудлар тиббиёт ходимларининг штат меъёрларини белгилашда бириктирилган аҳоли сонидан қатъи назар аҳоли 3 минг нафардан кам бўлган ҳолларда ҳам тиббиёт ходимларининг штатлари бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда киритилади ҳамда улар асосий иш жойига тўлиқ ставкада ишга қабул қилинади;

(IX) оилавий поликлиникаларда тиббиёт ходимлари фақат тўлиқ ставкада фаолият юритади;

(X) оилавий поликлиникалар, хусусий оилавий шифокорлар билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузилади ва улар ўзларига бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, аҳоли жон бошига кўра молиялаштирилади;

(XI) тиббиёт бригадаси ходимлари илғор тажрибага мувофиқ ишлаб чиқилган тўрт босқичдан иборат оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури асосида ўқитилади ҳамда синовлардан муваффақиятли ўтган тиббиёт ходимларига сертификат берилади;

(XII) оилавий поликлиникадан 10 километрдан узоқ масофада жойлашган

маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли учун тиббиёт ходимларининг сайёр тиббий хизмати йўлга қўйилади;

(в) туман (шаҳар)ларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида:

(I) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари тегишли марказий шифохоналарнинг маслаҳат-диагностика бўлинмаларига айлантирилади, уларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун аҳоли бириктирилмайди;

(II) шифохоналарда аҳолига режали стационар тиббий хизматлар шифокор йўлланмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарорида белгиланган тартибда навбат асосида бепул кўрсатилади;

(III) Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва шифохоналар ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузилади ҳамда ҳар бир даволанган ҳолат ва бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштирилади;

(IV) шифохоналар таркибидаги бўлимлар ва оилавий поликлиникаларга хизмат кўрсатувчи ҳудудлараро марказий лаборатория хизмати ташкил этилади;

(V) шифохоналарда тиббий хизматлар тасдиқланган ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколлар асосида кўрсатилиши устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади. Бунда тиббий хизмат кўрсатишда белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолларда харажатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштирилмайди ва хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг малака тоифалари, иш стаж ва бошқа устамалар бирилаштирилган ҳолда тиббиёт ходимлари иш ҳақини 2-иловага мувофиқ тасдиқланган миқдорларда базавий тариф ставкаларида ҳисоблаш тартиби жорий этилади;

(д) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари базавий тариф ставкаларига куйидаги миқдорларда қўшимча устамалар тўланади:

(I) сайёр тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимларига ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида;

(II) тиббиёт бригадасига белгиланган меъёрлардан 10 фоиз ортиқча қўшимча бириктирилган аҳолининг ҳар бир нафари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **0,3 фоизи миқдорида – шаҳарларда, 0,5 фоизи миқдорида** — туманларда;

(III) оила саломатлиги бўйича махсус

ўқув дастури асосида ташкил этиладиган курсларнинг барча босқичларини муваффақиятли тугатган тиббиёт ходимлари учун курс якуни бўйича бериладиган сертификатга мувофиқ базавий тариф ставкасининг 100 фоизи миқдорида. Бунда курснинг ҳар бир босқичи якуни бўйича синовлардан ижобий натижага эришган ходимларга **25 фоиз** миқдорида устама қўлланилади;

(е) туман (шаҳар) марказий шифохоналарида шифокорларнинг ойлик лавозим маошлари – **20 фоиз**, ўрта тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошлари – **10 фоиз миқдорида оширилади**;

(ж) оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) асосида ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси)нинг **100 фоизигача** миқдорда устама жорий этилади;

(з) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ва тиббиёт муассасаларида:

(I) раҳбар ходимлар учун тиббиётни бошқариш (менежерлик) бўйича ўқув дастури йўлга қўйилади ҳамда ўқув дастури якуни бўйича сертификатга эга бўлган раҳбарларга ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси)нинг **100 фоизи**, раҳбар ўринбосарига – **80 фоизи** ҳамда бош ҳамширага – **50 фоизи** миқдорида устама тўланади;

(II) раҳбар ходимлар учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) белгиланади ҳамда Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ва тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик лавозим маоши (базавий тариф ставкаси)нинг 100 фоизигача миқдорда устама жорий этилади;

(III) бир йил давомида фаолият самарадорлиги кўрсаткичларида (KPI) ижобий (56 фоиздан юқори) натижаларга эришмаган раҳбар ходимлар лавозимидан озод қилинади.

4. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ ташкилий, бошқарув ва молиявий жиҳатдан бирилаштирилиб кўп тармоқли шифохоналарга айлантирилсин. Бунда:

(а) амалдаги шифохоналар кўп тармоқли шифохонанинг йўналишлар бўйича бўлимларига айлантирилади ҳамда уларга республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан тегишли йўналишлар бўйича услубий раҳбарлик амалга оширилади;

(б) бўлимлар фаолияти амалда мавжуд бино-иншоотларда ташкил қилиниб,

улар ўртасида беморлар ҳаракати учун транспорт хизмати йўлга қўйилади;

(в) бўлимларнинг айрим ташхислаш ва ёрдамчи (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа) хизматлари бирилаштирилади ҳамда аутсорсинг асосида ташкил этилади;

(г) кўп тармоқли шифохона унга бирилаштирилган бошқа тиббиёт муассасаларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(д) тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлган ҳудудларда кўп тармоқли шифохона олий таълим муассасасининг клиник базаси сифатида фаолият юритади.

5. Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар) марказий шифохоналари ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида тиббиётнинг иккиламчи даражадаги ихтисослашган тиббий хизматлар кўрсатилади. Бунда ушбу тиббиёт муассасаларида тиббиётнинг учламчи даражасидаги тиббий хизматларни ҳам кўрсатиш ташкил этилиши мумкин.

III. Молиявий ресурслар

6. Белгилансинки:

(а) мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар 2025 йилда тажриба-синов лойиҳаси доирасида бўшайдиган маблағлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ республика бюджетидан ажратиладиган қўшимча маблағлар ҳамда Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетидан қўшимча ажратиладиган 20 миллиард сўм ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) 2025 йилда мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси жорий этиладиган ҳудудларда ушбу лойиҳа доирасида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун тегишли маҳаллий бюджетлардан (Самарқанд вилояти бундан мустасно) камида 10 миллиард сўмдан маблағ ажратилади;

(в) 2026 йилдан бошлаб Самарқанд вилояти ва мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ белгиланган туман (шаҳар)лар тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда тажриба-синов лойиҳасини жорий қилиш билан боғлиқ зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) мақбуллаштириладиган маблағлар олиб қўйилмайди ҳамда тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш, ходимлар ойлик маошларини ошириш ҳамда уларга қўшимча устама тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади;

(б) ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларини бирилаштириш натижа-сида иқтисод қилинадиган маблағлар

Давоми 3-бетда ⇒

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИРЕСПУБЛИКАДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ВА
АҲОЛИГА ТИББІЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СОҲАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

←Давоми. Боши 1–2-бетларда

янги ташкил этиладиган кўп тармоқли шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш ҳамда беморлар ҳаракати учун транспорт хизматини йўлга қўйишга йўналтирилади.

8. Иқтисодий ва молия вазирлиги тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасалари учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тўлиқ ҳамда ойлар кесимида тенг миқдорларда ажратилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларига устамалар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан бир вақтда тўлаб берилади. Бунда жамғарма маблағларини унинг ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмаган тадбирларга йўналтириш тақиқланади.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш

10. Белгилансинки, тиббиёт бригадаси ходимларини оила саломатлиги ҳамда раҳбар ходимларни менежерлик бўйича ўқитиш юзасидан махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш тиббиёт таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Бунда:

(а) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан боғлиқ тадбирлар тиббий таълим муассасалари базасида ташкил этилади;

(б) оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастурининг кейинги босқичларини аввалги босқич бўйича ўқув курслари якунлангандан сўнг бир йил давомида муваффақиятли тугатмаган тиббиёт ходимлари учун аввалги босқичлар якуни билан белгиланган устамалар бекор қилинади;

(в) тиббиёт ходимларини ўқитиш ва ўқитиш якунлари бўйича билимларини баҳолашда шаффофликни таъминлаш мақсадида уларни ўқитиш ва баҳолаш бир-биридан мустақил тизимларда амалга оширилади;

(г) тиббиёт ходимларини ўқитиш, ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ходимлар билимини баҳолаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

V. Соҳани рақамлаштириш

11. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидагиларни устувор равишда дастлаб Самарқанд вилоятидаги ҳамда мазкур Фармоннинг 1-илувасига мувофиқ тасдиқланган туман (шаҳар)лардаги тиббиёт муассасаларига ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги

«Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарори доирасида харид қилинадиган ахборот-коммуникация жихозлари ва тармоқ қурилмаларининг тақсимлашдан ортган қисмини;

(б) Ўзбекистон Республикаси ва «KfW» банки (Германия Федератив Республикаси) ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилаётган «Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида харид қилинадиган ахборот-коммуникация жихозларини.

12. Рақамли технологиялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

(а) тиббиётни ислоҳ қилиш учун жалб қилинган туркиялик мутахассислар тавсиялари асосида «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимини тажриба-синов лойиҳаси талабларига мослаштирсин. Бунда мазкур ахборот тизимида:

(I) аҳолини тиббиёт бригадалари, оилавий шифокорга бириктириш, онлайн қабулга ёзиш, қабулларни амалга ошириш журналларини юритишни электрон шаклга ўтказиш, оилавий шифокордан тор доирадаги мутахассисга ва шифохоналарга электрон йўлланмалар бериш йўлга қўйилади;

(II) тиббиёт бригадасига бириктирилган аҳоли рўйхати шакллантирилади, уларнинг касаллик тарихи, сурункали касалликлар турлари бўйича диспансер ҳисобида турадиган беморларнинг реестри юритилади ҳамда статистик маълумотларнинг электрон базаси яратилади;

(III) тиббиёт бригадаси, шу жумладан, хусусий оилавий шифокор ва унга бириктирилган аҳоли ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилловчи электрон битим тузиш жорий этилади;

(IV) стационар муассасаларда беморларни ётқизиш, тиббий статистик шакллари электрон юритиш ҳамда маълумотларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига узатиш имкониятлари яратилади;

(V) тиббиёт ташкилотлари ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасида электрон шаклда шартнома тузиш жорий этилади;

(VI) тиббиёт муассасаси ходимлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини (KPI) баҳолаш рақамлаштирилади;

(VII) тиббиёт муассасаларида дори ва сарфлов воситалари ҳаракати, тиббий жихозлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, ташхислаш ва даволаш хизматлари кўрсатишнинг электрон ҳисоби юритилади;

(VIII) барча турдаги тиббий ҳисоботларни, шунингдек, статистик маълумотлар таҳлилини электрон шаклда юри-

тиш бўйича модуллар яратилади ҳамда қоғоз шаклидаги барча тиббий ҳисоботлар бекор қилинади;

(б) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларини локал тармоқлар, муҳандислик инфратузилмаси воситалари, ахборот-коммуникация жихозлари ва тармоқ қурилмалари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

(в) тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларидаги жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш орқали қоғоз шаклидаги барча тиббий ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни бекор қилиш чораларини кўрсин.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини тажриба-синов тарикасида жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини тажриба-синов тарикасида жорий қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

15. Қуйидагилар Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этиш ҳамда масъулларни белгилаш;

(б) тажриба-синов лойиҳаси жорий этиладиган ҳар бир ҳудуд учун вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳни шакллантириш;

(в) тажриба-синов лойиҳасида назарда тутилган тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилишини ҳар ойда камида бир марта муҳокама қилиш орқали назорат қилиш;

(г) тажриба-синов лойиҳаси доирасида рақамлаштириш бўйича дастурий таъминотлар ва модуллар ўз вақтида ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий этилишини, тиббиёт муассасаларининг зарур алоқа ва техника воситалари, жумладан, компьютер техникаси билан таъминланишини назорат қилиш;

(д) ҳудудий даражадаги ихтисослашган тиббиёт муассасалари негизида кўп тармоқли тиббиёт муассасаси фаолиятини ташкил этиш;

(е) тажриба-синов лойиҳаси якунлари бўйича эришилган ижобий натижалар асосида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш чораларини кўриш.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига Ишчи комиссия билан келишилган ҳолда тажриба-синов лойиҳаси доирасида, зарур ҳолларда, жалб қилинган хорижий экспертларнинг тавсиялари асосида ушбу Фармонда белгиланган коидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

17. Олий Мажлис палаталарига:

(а) қуйидагилар бўйича парламент назоратини йўлга қўйиш:

(I) бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ҳамда оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, уларни хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги ишларга жалб қилиш бўйича;

(II) соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган топшириқларни амалга ошириш ҳамда эришилган натижалар бўйича;

(б) соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмунини аҳолига тўғри етказиш ҳамда ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида Хукуматга қўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли ўртасида профилактик тиббий кўриклар ва барча скрининг тадбирлари факат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ва белгиланган муддатларда ташкил этилади. Бунда бошқа ташкилотларнинг ушбу жараёнга аралашуви тақиқланади.

19. Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларда юзага келадиган муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этишда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мунтазам қўмаклашиб бориш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров белгилансин.

23. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2025 йил 19 май,

ПФ-88-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1-бетда

(г) тасарруфидаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг шаффоф механизмлари асосида тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда унинг натижалари бўйича тиббиёт ходимларини тўлиқ ставкада ишга қабул қилиш ва уларга муносиб иш шароитини яратиш;

(д) оилавий шифокорлар ва бириктирилган аҳоли ўртасида битим ҳамда ҳудуддаги тиббиёт муассасалари билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасида шартнома тузилишини ва уларга амал қилинишини назорат қилиш;

(е) тиббиёт ходимлари фаолиятини тасдиқланган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш ҳамда натижалар асосида уларни рағбатлантириш;

(ж) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида аҳолига бепул амбулатор ва стационар тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда дори воситалари билан таъминлашни ташкил қилиш;

(з) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тиббий таълим муассасалари билан биргаликда тиббиёт бригадаси ходимларининг оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури ҳамда раҳбар ходимларнинг менежерлик курслари бўйича малака оширишларини таъминлаш;

(и) тасарруфидаги тиббиёт муассасалари фаолиятидаги бизнес жараёнларни рақамлаштириш, қоғоз шаклида юритилаётган барча ҳисоботларни электрон шаклда юритиш орқали тиббиёт ходимларининг иш юкласини камайтириш чораларини кўриш;

(к) Тажриба-синов лойиҳаси доирасида мақбуллаштириладиган маблағларни туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари учун очилган тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига жамлаш ҳамда Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириш;

(л) нотиббий хизматлар кўрсатиш-ни (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа), шунингдек, самарасиз ҳамда бўш турган бино-иншоотларни давлат-хусусий шериклик ёки аутсорсинг асосида хусусий секторга бериш ишларини мониторинг қилиш;

(м) тиббиёт муассасаларида пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш ва уларнинг турларини кенгайтиришга қўмаклашиш;

(н) Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига ҳудуддаги барча давлат ҳамда нодавлат тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари, шу жумладан, дорихоналар уланишини таъминлаш;

(о) аҳоли саломатлиги кўрсат-

кичлари, касалланиш даражаси ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўз ҳудудида соғлиқни сақлаш ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида қуйидагилар тиббиёт муассасалари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) оилавий поликлиникалар учун:

(i) тиббиёт бригадалари ҳамда бириктирилган аҳоли билан битим тузиш, битим бўйича кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматларни тасдиқланган даволаш стандартлари, миллий клиник протоколларга асосан ўз вақтида ва сифатли кўрсатиш;

(ii) бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузиш;

(iii) оилавий поликлиникаларда оилавий шифокор, педиатр, акушер гинеколог ва ташхислаш бўйича мутахассислар ҳамда аутсорсинг асосида стоматолог хизматини йўлга қўйиш;

(iv) оилавий шифокор томонидан хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб оилавий шифокор фаолиятини баҳолаб бориш;

(v) аҳолини индивидуал даволаш ва соғломлаштириш дастурлари асосида кафолатланган пакет доирасида зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш;

(vi) оилавий поликлиникадан 10 км-дан узоқ масофада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли учун тиббиёт ходимлари томонидан сайёр тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

(vii) касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида тиббий кўриклар ташкил этиш, Миллий профилактик эмлаш таквимига мувофиқ ва фавқулодда ҳолатларда аҳолини эмлаш ишларини ташкил этиш, репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналикни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини юритиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;

(viii) тор соҳа мутахассислари қабулига ва шифохоналарга электрон йўлланмалар бериш;

(б) туман (шаҳар) марказий шифохоналари учун:

(i) Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузиш;

(ii) оилавий шифокор йўлланмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-311-сон қарорида белгиланган тартибда аҳолига бепул амбулатор ва режали стационар тиббий хизмат кўрсатиш;

(iii) ташхислаш ва даволаш стан-

дартлари ҳамда клиник протоколларга қатъий амал қилган ҳолда аҳолига тиббий маслаҳат бериш, лаборатор, ташхислаш, амбулатор, стационар ҳамда шопилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;

(iv) тор соҳа мутахассислари томонидан аҳоли орасида касалланиш, ногиронлиқнинг олдини олиш, ўлимни камайтириш бўйича профилактик тадбирларни (скрининг текширувлари, профилактик ва сайёр тиббий кўриклар) амалга ошириш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган штат бирликлари соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

(б) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими:

(i) мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, ўз номи давлат тилида ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

(ii) фаолиятида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига ва соғлиқни сақлаш бошқармасига бўйсунди;

(iii) туман (шаҳар) марказий шифохонаси, оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимидан иборат таркибда фаолият юритади;

(iv) тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда инсон ресурсларини бошқариш хизматини юритади;

(v) тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ходимларига 2-иловага мувофиқ тариф разрядларини қўллаган ҳолда иш ҳақи ҳисобланади ҳамда уларга ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

(б) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўз тасарруфидаги тиббиёт муассасалари томонидан пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлар учун тушумлар миқдорининг 2 фоизи миқдорида ажратма ўтказилади.

8. Республиканинг барча давлат тиббиёт муассасаларида 2025 йил 1 июлдан бошлаб касалликнинг оғирлик даражаси ва даволашнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, махсус кўникмаларни талаб қиладиган даволаш чораларини кўрган ҳамда юқори хавф даражасига эга бўлган амали-

ётларни самарали амалга оширган шифокорларнинг ойлик лавозим маошларига 25 фоиздан 100 фоизгача устама тўлаш тизими жорий қилинсин.

III. Рақамлаштириш

9. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация жихозлари ва тармоқ қурилмалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2025 йил 15 июнга қадар Тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган ҳудудларда, 2025 йил якунига қадар қолган ҳудудларда аҳолини «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказсин ҳамда тиббиёт бригадаларига бириктирилишини таъминласин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 1 июнга қадар «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали аҳолини тиббиёт бригадасига бириктириш, оилавий шифокор ва аҳоли ўртасида битим тузиш имкониятини яратсин.

IV. Тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш

12. Белгилансинки, Тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари шаффоф имтиҳонлар асосида ўрнатилган тартибда қайта ишга расмийлаштирилади. Бунда имтиҳонлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ташкил этилади ҳамда синовларда энг яхши натижага эришган ходимлар ишга қабул қилинади;

(б) оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури, шунингдек, миллий клиник протоколлар асосида ўқитиладиган тиббиёт бригадаси ходимлари билимини баҳолаш мақсадида якуний тест синовлари топшириқлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ишлаб чиқилади;

(в) туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг олий маълумотли тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажмининг 144 таси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таълим олиш орқали жамланади;

(г) тиббиёт бригадаси ходимларини оила саломатлиги юзасидан ўқитиш бўйича махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш тиббий таълим муассасалари томонидан ҳамда раҳбар ходимларни менежерлик бўйича махсус ўқув дастури бўйича ўқи-

Давоми 5-бетда⇒

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Боши 1, 4-бетларда

тиш Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети томонидан амалга оширилади.

V. «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастури

13. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида жалб этилган турк экспертлари билан биргаликда тиббиёт муассасаларида аҳоли ҳамда тиббиёт ходимлари учун қулайликлар яратиш, тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилувчи «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

14. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб Дастур доирасида қисқа муддатда тиббиёт муассасаларида аҳоли учун қулай шароитлар яратиш ҳамда уларнинг тиббиётга бўлган ишончини орттириш мақсадида:

(а) тиббиёт муассасаларида кутиш заллари ташкил қилиниб, ўриндиклар билан таъминланади, қулай рўйхатхоналар ташкил этилади ва онлайн қабулга ёзилиш имкониятлари кенгайтирилади;

(б) аҳоли, беморлар, ногиронлар ҳаракатланиши учун қулайликлар яратилади;

(в) «Она ва бола» хоналари ташкил қилинади, хоналар ва йўлаклар тежамкор замонавий ёритиш қурилмалари билан жиҳозланади;

(г) санитария-гигиена хоналари таъмирланиб, шахсий гигиена воситалари билан таъминланади;

(д) тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва беморлар учун қулайликлар яратиш имконини берувчи бошқа тадбирлар амалга оширилади.

VI. Қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш

15. Белгилансинки, қурилиш-таъмирлаш ишлари, шу жумладан, туман (шаҳар) марказий шифохонаси бўлинмалари, оилавий поликлиникалар учун бино ва иншоотларни қуриш Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда 2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар биринчи навбатда мазкур мақсадларга йўналтирилади.

16. Тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, малакасини ошириш, билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилсин:

(а) ўқув курслари ва ходимлар билимини баҳолашни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар — Давлат

бюджетидан тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

(б) иш ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастурининг ҳар бир босқичи якуни бўйича тиббиёт бригадаси ходимларига қўшимча устама тўлаш билан боғлиқ харажатлар — Давлат бюджетни маблағлари;

(в) тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида моддий рағбатлантириш — тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

17. Дастурдаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар тиббиёт муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон Фармонида мувофиқ, маҳаллий бюджетлар томонидан ажратиладиган маблағлар тенг улушлари ва тармоқ қурилмалари харид қилишга ва Дастурдаги тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин. Бунда зарур ҳолларда, ажратилган маблағлар Тажриба-синов лойиҳаси доирасида белгиланган бошқа тадбирларни молиялаштиришга ҳам сарфланиши мумкин.

19. Республика бюджетни ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг кредит ва грант маблағлари тиббиёт муассасаларини 3-иловада белгиланган ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари билан таъминлаш харажатлари учун йўналтирилсин.

VII. Кадрлар таъминоти

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) 2025 йил 1 июнга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасаларининг штат меъёрларини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин;

(б) имтиҳон натижалари асосида ишга қабул қилинмаган ходимларга тиббиёт муассасаларидаги мутахассислигига мос бўш иш ўринларини таклиф қилсин ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда уларни ишга жойлаштириш чораларини кўрсин;

(в) республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари мутахассисларидан иборат мобил ишчи гуруҳлар ташкил қилсин ҳамда

2025 йил 1 июндан бошлаб уларни тиббиёт муассасаларига бириктирсин. Бунда марказлар раҳбарлари бириктирилган тиббиёт муассасаларида бизнес жараёнларини тўғри ва сифатли йўлга қўйиш, муассасадаги тиббиёт ходимларига янги тизим бўйича ишлашни ўргатиш, кадрлар таъминоти ҳамда Тажриба-синов лойиҳасида назарда тутилган барча тадбирларни ташкил этиш бўйича шахсан масъул ҳисобланади.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббий ёрдам кўрсатишда аҳоли ҳамда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Гулистон тиббиёт кластери таркибига вилоят тиббиёт муассасаларини киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий муносабатлари ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа офиси билан биргаликда Тажриба-синов лойиҳаси доирасида лойиҳа амалиётга жорий этилгунга қадар ҳамда 2026 йил якуни бўйича амалдаги соғлиқни сақлаш тизимидан қониқиш даражасини аниқлаш мақсадида аҳоли ва тиббиёт ходимлари ўртасида сўровнома ўтказсин. Бунда сўровнома ўтказиш билан боғлиқ харажатлар «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа офисига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплансин.

25. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда Тажриба-синов лойиҳаси доирасида мавжуд бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини хатловдан ўтказсин. Бунда хатлов натижаларига кўра:

(а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган ва зарур инфратузилма (электр, сув, оқова сув тизими, атрофни ободонлаштириш ва бошқалар) ҳамда тиббий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган махсус контейнерларда ташкил этилган маҳалла тиббиёт пунктларини оилавий поликлиниканинг филиали сифатида қайта ташкил этиш ва қолганларининг фао-

лиятини тўхтатиш;

(б) амалда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасининг филиали сифатида фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларини оилавий поликлиникага айлантириш ёки тугатиш;

(в) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига бириктирилган аҳолини улар жойлашган бинода ташкил этиладиган ёки бошқа оилавий поликлиникаларга бириктириш;

(г) барча оилавий поликлиникаларни белгиланган тартибда рақамлаш чораларини кўрсин.

26. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда 2025 йил якунига қадар 14 та туман (шаҳар)да аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва стационар хизмат кўрсатишни яхлит тизим сифатида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

27. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар соғлиқни сақлаш тизимидаги ходимларнинг малака тоифалари, иш стажини ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилаган ҳолда раҳбар ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги Дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

29. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

30. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси**Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ***Тошкент ш.,**2025 йил 19 май,**ПҚ-185-сон*

Сайёр мажлис

"КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА" ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА



Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат раиси Танзила Норбоева, Олий суд раиси Бахтиёр Исломов, Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев, Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайоров, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори

Шунингдек, жойлардаги студиялардан барча ҳудудий бошқармалар ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупциявий хо-

тимизнинг 2025 йил 19 майдаги 88-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижроси, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тақомиллаштириш, ахборот технологияларини жорий этиш ва "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, соҳада бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ҳамда коррупция рискларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида "Ситуацион марказ" ташкил қилинди.

Тизимда коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вазирликнинг Коррупцияга қарши ички назорат бўлимининг (71) 241-10-65 ёки республика бўйича ягона 1203 рақамли "Ишонч телефони" ҳамда t.me/ssvantikor_bot телеграм боти фаолият юритмокда.

Қолаверса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш

биргаликда Ягона интегратор – "UZINFOCOM" томонидан тизимдаги жараёнларни автоматлаштириш ва "Электрон соғлиқни сақлаш" ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш мақсадида "DMED" ахборот тизими яратилиб, ишга туширилди. Йиғилишда тиббиётда анъанавий тарзда кўрсатилаётган 8 та давлат хизмати рақамлаштирилиб, соғлиқни сақлашдаги электрон хизматлар сони 26 тага етказилгани қайд этилди.

Йиғилиш давомида тизимда давлат харидлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва ишга қабул қилиш билан боғлиқ айрим коррупциявий ҳолатлар танқид қилинди.

Мажлис якунида соҳада коррупцияга қарши чора-тадбирларни янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жумладан, рақамлаштиришни энг қулай бўйича тушириш, давлат харидлари ва кадрларни ишга қабул қилиш тизимларида янада шаффоф-



Бундан ташқари, тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишда рақамлаштирилган янги механизм ишга туширилгани ва Бухоро вилоятида "пилот" сифатида жорий этилгани айтиб ўтилди.

Муҳокама доирасида соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, бирламчи бўғиннинг замонавий тизимини шакллантириш мақсадида шу йил 1 июлдан юртимизнинг 15 та тумани (шаҳар)да соғлиқни сақлаш тизимининг янги модели тажриба-синов тариқасида жорий қилинган таъкидланди.

ликни таъминлаш ҳамда тиббиёт муассасалари раҳбарларида менежментлик салоҳиятини ошириш, бу жараёнларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига муҳокама жараёнида билдирилган таклифларни умумлаштирган ҳолда аниқ чора-тадбирлар режаси – "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, Миллий кенгашга киритиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати



ўринбосари Умед Мавлянов, Сенат ҳамда мазкур кенгаш аъзолари ва соҳа масъуллари иштирок этди.

латлар, уларнинг келиб чиқиши сабаб ва оқибатлари, олдини олиш чоралари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Президен-



мақсадида соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан

МАҚСАДЛАРДА МАЗМУН ВА МОҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайоров Наманган вилоятида бўлиб қайтди.

Дастлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали мажлислар залида вилоят тиббиёти фаоллари билан учрашув ўтказилди. Унга Наманган шаҳар ва барча туманлар тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари таклиф этилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини тақомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-88-сонли Фармони ва унинг ижросига йўналтирилган «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалга ошириш-

нинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-185-сонли қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларга эътиборни қаратди.

Йиғилишда соҳа фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш мақсад қилиб олингани, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ишини тубдан тақомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилгани таъкидланди. Бу борада ҳар бир вилоятда тегишли туман тиббиёт бирлашмалари туман соғлиқни сақлаш бўлимларига айлантирилаётгани, хусусан Чортоқ туманида бу йўналишда изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлиги айтилди.

"Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти" дастурининг мазмун-моҳияти, амалга оширилиши муҳим бўлган долзарб вазифалар ҳақида ҳам фикр юритилди. Мазкур дастур орқали қисқа муддатда тиббиёт муассасаларида аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг соҳага бўлган ишончини орттириш мақсад қилинган.

Шунингдек, вазир тажриба-синов тариқасида олинган Чортоқ туманига ҳам ташриф буюрди.

Шу билан бирга, Янги Наманган тумани 16-оилавий поликлиникада тиббиётни рақамлаштириш ва "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастурида амалга оширилган ишлар билан танишди ҳамда ходимлар билан яқиндан суҳбатлашди.

Абдулла ҒОЗИЕВ,
журналист.



Халқаро ҳамкорлик

ҚАТАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ



Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Анвар Алимов бошчилигидаги делегация Қатар давлатида хизмат сафарида бўлиб қайтди.

Вакилларимиз дастлаб ушбу мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “The View Hospital” раҳбарияти ҳамда Қатар университети масъуллари билан учрашувлар ўтказди.

Музокараларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аёллар саломатлиги, семирлик ва қандли диабет каби метаболик бузилиш ҳолатларини аниқлаш, даволаш, мутахассислар ҳамда таълим дастурлари алмашинуви масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Навбатдаги мулоқот манзили инсультдан кейинги реабилитацияга мўлжалланган Қатарнинг “The Cuban Hospital” кўп тармоқли клиника-

си бўлди. Шунингдек, меҳмонлар “Al Beeb Hospital – Prime Health Cooperation Center” бирламчи тиббий ёрдам маркази фаолияти билан танишди. Муассасада асосий вазифани оилавий шифокорлар бажаради. Шунингдек, турли ёш тоифасидаги аҳоли, жумладан, ҳомиладор аёллар ва кексалар учун давлат скрининг дастурлари амалга оширилади. Делегациямиз сурункали касалликларнинг олдини олиш ва эрта босқичда ташхис қўйиш бўйича илғор амалиётни ҳам ўзлаштирди. Аёллар ва болалар саломатлигини таъминлашга ихтисослашган “Sidra Medicine” клиникаси фаолиятини ўрганиш жараёнида эндокрин

хасталиклар, репродуктив саломатлик ва менопауза билан боғлиқ бузилиш ҳолатлари юзасидан тажриба алмашишга алоҳида қизиқиш билдирилди. “Hamad Medical Corporation”даги учрашувда эса клиник ҳолат таҳлили, беморларни алоҳида кузатиш бўйича тажриба алмашиш ҳамда даволашга мултидисциплинар ёндашув мавзулари муҳокама қилинди. Мамлакатимиз делегацияси ушбу араб давлатида фаолият кўрсатадиган дунёдаги энг йирик тиббий симуляцион марказлардан бирига ҳам ташриф буюрди.

Сафар асносида қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, клиник маълумот алмашиш ҳамда Қатар тажрибаси асосида Ўзбекистонда менопауза давридаги аёллар саломатлик марказларини ташкил этишга қаратилган меморандум имзоланди.



РОБОТ-АССИСТЕНТ ЁРДАМИДА НОЁБ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Гапириш, фикрлаш, тинглаш, қўриш, ҳид ва таъм билиш, ҳаракатланиш, имо-ишоралар ҳамда бошқа сезги органларимиз фаолияти бош миёдаги 12 жуфт нерв орқали бошқарилади.

Инсоннинг ушбу мураккаб аъзоси 100 миллиард нейрон ва триллион хужайрадан ташкил топган. Бу маълумотлар марказий асаб тизими касалликлари муолажасида миёга тиг теккизиш нақадар мураккаб амалиёт эканлигини англатади.

– Муассасамиз болалар ва катталарда учрайдиган нейрохирургик касалликларни диагностика қилиш ва даволаш билан шуғулланади, – дейди Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази директори Ғайрат Кариев. – 130 ўринга мўлжалланган шифо масканимизда қон томирлари, болалар, орқа ва бош миёя нейрохирургияси, периферик нервлар патологияси ва реабилитацияси, нейроонкология, шошилишч нейрохирургия каби бўлимлар фаолият юритмоқда. Худудларда 13 та филиалимиз ташкил этилган.


Бу ерда шу йил биринчи ярмида жами 1,2 мингга яқин операция ўтказилди. Шундан қарийб 770 таси юқори технологик жарроҳлик амалиётидир. Қолаверса, қатор ноёб ва мураккаб муолажа усуллари илк бор қўлланилди.

Хусусан, робот-ассистент ва навигация тизими ёрдамида бош миёнинг чуқур жойлашган ҳамда етиб бориш қийин бўлган ўсмалари олиб ташланди.

Оғир шаклдаги фармакорезистент эпилепсиясини аниқлаш ва касаллик ўчоғини бартараф этишда ҳам робот-ассистентдан фойдаланилди.

Мисол учун, шундай ноёб амалиётлардан бири 6 ойлик чақалоқда бажарилди. Жажжи бемор икки ойлигидан бошлаб доимий тутқаноқ хуружларидан азият чекиб келган. Бу ҳолат такрорланавергач, сўнгги пайтларда хушини йўқотган.

Тиббий амалиётда ўта мураккаб ва хавфли ҳисобланган



ноёб операция муваффақиятли ўтказилди. Тутқаноқ хуружлари тўхтади. Чақалоқ соғлом ҳаётга қайтди. Янги даволаш ва диагностика усулларини ўзлаштиришда Болалар нейрохирурглари жамияти, Хитой, Япония, Беларусь, Қозоғистон сингари давлатларнинг етакчи нейрохирурглари билан ҳамкорлик алоқалари қўл келди.

Айни пайтда марказнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чоралари кўриляпти. Бу эса тиббиётнинг ушбу йўналишини янада ривожлантириш ва ихтисослашган хизматни аҳолига янада яқинлаштириш имконини беради.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ХИЗМАТ УЧУН 69 ДОНА ЗАМОНАВИЙ РЕАНИМОБИЛЬ ТОПШИРИЛДИ

Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказининг Санитар авиация хизматида Жаҳон банкининг “Шошилишч тиббий ёрдамни такомиллаштириш” кредит лойиҳаси доирасида 69 дона замонавий “Ford” русумли махсус реанимобиль тантанали тарзда топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров сўзга чиқиб, сўнгги русумдаги ушбу автотранспорт воситалари беморларга малакали шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш, унинг сифати ва қамровини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бугунги кунда Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказининг Санитар авиация хизматида 74 та махсус автомашина бўлиб, уларнинг 28 таси реанимобиллардир.

Ўтган 2024 йилда ушбу хизматга жами 53 минг 200 дан зиёд қақирув бўлиб, жойлардаги минглаб оғир ва ўта оғир ҳолатдаги беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу қақирқларнинг 20 фоизи самолётлар орқали амалга оширилган бўлса, 80 фоизи тизимдаги махсус автотранспорт воситалари ёрдамида бажарилган.

■Тажриба-синов: "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар"

■Самарқанд вилояти

ҲАР БИР ФУҚАРО УЧУН ЯҚИН ВА ШАФФОФ ТИББИЙ ХИЗМАТ



Ташкилий ишлар ва
янгиланаётган тизим

Ислохотларни тизимли бошқариш мақсадида ҳар бир ҳудудда соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилди. Уларнинг Низомлари тузилиб, ҳудудий ҳокимликларва бошқарма раҳбарлари томонидан тасдиқланди. Вазирлик буйруқларига асосан ушбу бўлимларга раҳбар номзодлар тайинланди. Шунингдек, барча бўлимлар расман давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегишли гувоҳнома олинди. Умуман Дастурда белгиланган асосий мақсадларнинг ҳар бири бўйича аниқ ҳаракатлар амалга оширилди. Биринчи навбатда тиббиёт муассасаларида беморлар ва ходимлар қулай ҳаракатланиши учун инфратузилма яратиш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар ҳар учала ҳудудда ҳам якунига етиш арафасида. Кейинги навбатда беморларни рўйхатга олиш, навбатлар ва қабул жараёни тўлиқ такомиллаштирилмоқда. Ва кейинги мақсад – хизмат сифатини яхшилаш бўлиб, дастурнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга шароит яратиш ва гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳам дастурдан ўрин олган бўлиб барча йўналишларда лойиҳа давом этмоқда.

Рақамлаштириш ва техник инфратузилма

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш – бугуннинг талаби. Самарқанд вилоятида бу борада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари учун 1500 га яқин АКТ ускуналари етказиш кўзда тутилган бўлиб, босқичма-босқич олиб келинмоқда. Сифат ва назорат тамойили асосида бу ишлар ташкил қилинган.

Соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш – фақат янгиланган қонунлар ёки фармонлар эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётидаги кўзга кўринадиган ўзгаришлар орқали баҳоланади. Шу маънода, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” деб номланган дастурнинг Самарқанд вилоятидаги амалий натижалари тизимли ислохотларнинг қандай йўл билан рўёбга чиқарилаётганини яққол кўрсатиб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги 88-сонли Фармони ва 185-сонли қарори асосида Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли ўзгаришлар бошланди. Бу жараён тажриба сифатида Самарқанд шаҳар, Иштихон ва Булунғур туманларида амалга оширилмоқда.

Муассасалар қурилиши ва реконструкцияси

Самарқанд шаҳар марказий шифохонасидан узоқда жойлашган марказий поликлиника яқинида янги маслаҳат-диагностика поликлиникаси қуриш зарурати туғилди. Вактинчалик марказий поликлиника шифохона ҳудудида жойлаштирилди.

Иштихон туманидаги 26 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган марказий поликлиника учун бир неча таклиф кўриб чиқилмоқда. Булунғурда эса марказий поликлиника ҳокимиятнинг бўшайдиган эски биносига қўчирилиши ёки шифохона ҳудудида қайта қурилиши режалаштирилган.

Оилавий поликлиникалар, лаборатория тизими ва логистика

Иштихон ва Булунғур туманларида 1-сон оилавий поликлиникалар ташкил қилинди ва давлат рўйхатидан ўтказилди. Самарқандда аҳоли бириктирилмагани учун алоҳида оилавий поликлиникага эҳтиёж мавжуд эмас. Умумий ҳисобда Самарқандда 20 та, Иштихонда 25 та ва Булунғурда 19 та оилавий поликлиника расмийлаштирилди.

Самарқанд шаҳри, Булунғур ва Иштихон туманлари жиҳозланган махсус автомашиналар билан таъминланди (жами 12 та). Биологик материалларни йиғиш, жўнатиш ва қабул қилиш хоналари ташкил қилинмоқда. “Uzinforcom” интеграторлари иштирокида ахборот тизимлари ўрнатилди. Уларни ДМЕД (ягона тиббиёт ахборот тизими) билан интеграция қилиш масаласи Республика даражасида ҳал этилмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази ташаббу-

си билан туркиялик экспертлар иштирокида тренинглар ташкил қилинди. Булунғур, Иштихон ва Самарқанд шаҳарларидан лаборатория бўлим мудирлари мазкур ўқувларда иштирок этиб, халқаро тажриба билан танишиш имконига эга бўлишди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятида жорий этилган “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури нафақат рақамлар, балки воқеликдаги ўзгаришлар орқали баҳоланмоқда. Бу жараёнда соғлиқни сақлаш муассасалари янгиланмоқда, кадрлар малакаси оширилмоқда, инфратузилма мустаҳкамланмоқда ва энг муҳими – ҳар бир фуқарога яқин ва шаффоф тиббий хизмат яратилмоқда.

Юқоридаги фикрларимни мухтасар қилар эканман, Давлатимиз томонидан қабул қилинган мазкур меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятларни янада такомиллаштириб, амалдаги ишларни тўлақонли йўлга қўйиш вазифалари жадаллик билан олиб борилмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, мазкур тажриба-синов тариқасида олинган ҳудудларимизда фаолиятлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури доирасида ҳам самарали ишлар тезкорлик билан давом эттирилмоқда.

Эътиборлиси, 2026 йил 1 январгача Самарқанд вилоятининг барча туманларига янги модель татбиқ этилади. Албатта, амалдаги фаолиятларнинг натижаси бўлсагина, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришамиз.

Суҳроб ЗАЙНИЕВ.
Самарқанд вилоят
соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи.



МАҚСАДЛИ ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУЖАСССАМ



Президентнинг жорий йил 19 майдаги "Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-88-сон Фармонига мувофиқ, вилоятимиздаги Ёғдудон тумани тажриба-синов сифатида танлаб олинди. Ёғдудон туман ҳокимининг 2025 йил 21 майдаги "Ёғдудон туманида янги тизимни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури" тасдиқланиб, бугунги кунга қадар тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ш. Мухтаров, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Э. Олтиев, Ёғдудон тумани ҳокими Ш. Ашуров ҳамда Ёғдудон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж. Гафаровлар томонидан туман марказий штаби ташкил этилиб, ПФ-88 ижросини самарали ташкиллаштириш бўйича штаб ва ишчи гуруҳи таркибидagi мутахассислар билан биргаликда вазифалар белгилаб олинди. Жорий йилнинг 22 май кuni Бухоро вилояти ҳокими томонидан тиббиёт тизимида трансформацияларини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят марказий штаби таркиби ва унинг 1-иловасига мувофиқ мониторинг ва таҳлил бўйича, 2-иловасига мувофиқ "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти" дастури ижросининг назоратини ташкил этиш бўйича, 3-иловасига мувофиқ тажриба-синов ўтказиладиган Ёғдудон туманида бажариладиган ишларни назорат қилиш бўйича ҳамда 4-иловасига мувофиқ соғлиқни тизимида рақамлаштириш ишларини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Шунингдек, 2025 йилнинг 23 май кuni Ёғдудон туман марказий штабида видео конференция алоқа орқали видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мазкур конференцияда Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори Ш. Тешаев раҳбарлигидаги профессор-ўқитувчилар ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачлари А. Бахронов раҳбарлигидаги кура-тор бўлим мудирлари иштирокида ўтказилиб, 24 май кунидан Ёғдудон туманидаги маҳалла фукаролар йиғини (МФЙ) ва бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида аҳоли тиббий хатлови, скрининг ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан режа-жадвали

асосида тизимли ишлар йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар Ёғдудон туманининг 62, 61, 68-ойлавий поликлиникаларида Бухоро давлат тиббиёт институт профессор-ўқитувчилари ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг малакали мутахассислари томонидан 15445 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. 219 882 нафар аҳоли эса тиббий хатловдан ўтказилиб, уларнинг 3398 нафарига касаллик аниқланди ҳамда уларнинг 3329 нафарига амбулатор ва қолган 69 нафарига туман марказий касалхонасида бепул стационар шароитда даволаниш тавсия этилди.

"Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастури доирасида тасдиқланган режага мувофиқ, бугунги кунга қадар тизимда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1-мақсад ижроси юзасидан режага мувофиқ Ёғдудон тумани бўйича биноларнинг ёритиш тизимини яхшилаш юзасидан ишлар, муассасанинг деворларини ёрқин ранглар билан бўяш ва деворлар тозалигини таъминлаш, эшик ва маълумот берувчи элементлар ранглар (контрастли) билан таъминлаш, таъмирталаб полларни Санитария қоида ва меъёрига мослаш, шунингдек, таъмирталаб йўлакларини Санитария қоида ва меъёрига мослаш талаби мавжуд муассасаларда самарали фаолиятлар йўлга қўйилди. 2-мақсад ижроси юзасидан режага нисбатан Ёғдудон тумани бўйича тиббиёт ходими билан аҳоли ўртасидаги мулоқотни қулай шароитда ташкил этиладиган муассасалар 86 фойз, рўйхатхоналарда мурожаатчилар учун ҳамда муассаса қувватини инобатга олган ўриндиқлар, бундан ташқари, ногирон, хомилдор, ёш болалар ва кекса беморларга махсус ўриндиқларга бўлган эҳтиёж бўйича ишлар ташкил этилмоқда. 3-мақсад ижроси юза-

сидан режага нисбатан Ёғдудон туман бўйича стационар ётоқ ўринларини шошилинч ҳолларда фойдаланиладиган чакирув тугмалари ўрнатиш, тез тиббий ёрдам автомашиналари замбилларини хавфсизлик камарларига эҳтиёжи, шифокор қабулига онлайн ёзилиш тизимини жорий этиш учун алоқа воситаларига эҳтиёжи, шифокор кўриги хоналарида, ётоқ ўринлар орасида тўсиқларга эҳтиёжи босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 4-мақсад ижроси юзасидан режага мувофиқ Ёғдудон тумани бўйича биноларни ногиронлар ва ҳаракати чекланган шахслар учун қулайлик яратувчи махсус мосламалар билан жиҳозлаш талаб этиладиган муассасалар 90 фойз, эшик остоналарини тўсиқларсиз, пол баландлиги билан бир текисликда мослаштиришга эҳтиёжи мавжуд муассасалар 88 фойз, болаларни қулай ва гигиеник шароитда парваришлаш учун она ва бола хонасига эҳтиёж мавжуд муассасалар 98 фойз ташкил этмоқда. Қолган мақсадлар бўйича ҳам фаолиятлар тизимли равишда ташкил этилмоқда. Шунингдек, туманда тиббиётни рақамлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 333 та компьютер, 334 та планшет, 31 та инфокиоск, 41 та принтер, 52 та 2D сканер, 36 та веб камера 37 та (smart tv 43), 31 та чек принтер, 31 та этикет принтер, 8047 метр LAN локал тармоқ тортиш жиҳозлари харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги 88-сонли Фармони ижроси юзасидан тизимли ишларни амалга оширилиши уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Элор ОЛТИЕВ,
Бухоро вилояти
соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи.



Замонамиз қаҳрамонлари

ШИФОКОРЛИК
ФИДОЙИ ҲАЁТ,
МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳар бир касбнинг ўзига хос масъулияти, машаққати ва шарафли томонлари бор. Аммо шифокорлик касби буларнинг барчасини ўзида мужассам этган десак, муболага бўлмас. Бу нафақат билим ва кўникма, балки чек-чегарасиз меҳр, фидойилик ва инсонпарварлик талаб қиладиган олийжаноб касбдир.



Мана шундай ҳаётини беморлар саломатлигига бағишлаган, қалби беморларнинг дардига ҳамнафас бўлган шифокор ҳақида сўз юритамиз. Унинг исми-шарифини бутун Республика танимаса ҳам унинг шифокорлик фаолияти ўзи яшаётган диёр учун батафсил таниш ва қадрлидир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бугунги қаҳрамонимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани тиббиёт бирлашмасининг шифокори Ғайратдин Сабуровдир.

Мақоламиз қаҳрамони **Ғайратдин Сабуров** 1961йилнинг 1январда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманида таваллуд топди. Унинг шифокорлик касбини танлаши оддий бир тасодиф эмас эди. Мактаб давридан бошлаб у инсонларга ёрдам беришни, оғирини енгил қилишни истарди. Дастлаб, болалик чоғларида прокурор бўлишни орзу қилган қаҳрамонимизнинг тақдир йўллари шифокорлик касбига бурилишига сабабчи унинг туғишган акаси, **1975-76-йилларда Нукус туманида тез ёрдам хизмати хайдовчиси бўлиб** хизмат қилган Шхратдин Сабуров ҳисобланади. У касбий фаолия-

тидаги қизиқарли, ғайриоддий ва экстремал воқеаларни, айниқса, беморларнинг ўзлари ва яқинларидан эшитган раҳмат-у дуоларини оиласи даврасида жўшиб гапириб бериши ёш йигитчанинг шифокорлик касбига бўлган илк қизиқишини уйғотди. **1977-1982-йилларда** ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт университети (собиқ Тошкент давлат тиббиёт институти) талабаси бўлган йиллар унинг билимга чанқоқлигини янада оширди. У тун-у кун ўқиди, изланди, ҳар бир касалликнинг илдизини англашга ҳаракат қилди. Аммо унинг учун энг муҳими фақатгина китобий билимлар эмас, балки ҳар бир беморнинг якка ҳолдаги тарихини тушуниш эди. Ихтисослиги бўйича стоматолог бўлган ёш шифокор ўз фаолиятини **1982-1983 йилларда** Қорақалпоғистон Республикаси **стоматология поликлиникасидан** бошлади. Сўнгра махсус йўлланма асосида **Амударё тумани “Бердак” қишлоқ врачлик пунктига шифокор** сифатида юборилди. Меҳнат фаолияти давомида Нукус туманидаги “Кердер”, “Қутанқўл” қишлоқ врачлик пунктлари мудири, “Сало-



матлик” маркази директори, Нукус тумани марказий шифохонаси бош шифокорининг ўринбосари, бош шифокори, кўп тармоқли марказий поликлиника мудири сифатида самарали хизмат қилди. Ҳозирги вақтда эса **Нукус тумани тиббиёт бирлашмасининг ташкиллаштириш методик бўлими мудири** вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, фаолиятининг асосини масъулиятли лавозимлар ташкил қилган шифокор бошқарув ва ташкиллаштириш ишлари билан бир қаторда беморларни даволашни ҳам биргаликда олиб боришга ҳаракат қилди. Туманда **Ғайратдин Сабуров**ни кўпинча шифокор сифатида танишади ва эъзозлашади. Чунки, у алоҳида бошқалардан фарқланиб турадиган ҳислатларга эга. Бу ҳақида шифокорнинг кўлидан кўп марта шифо топган маҳаллий аҳоли орасидан **Бегдиёр Бердамбетов шундай дейди**: “Унинг энг ноёб фазилатларидан бири бу – беморлар билан тезда тил топиша олиши. Унинг кабинетига кирган ҳар қандай одам ўзини эркин, хотиржам ҳис қилади.

сал” эмас, балки ўзига хос қисматга эга инсонлар. У уларнинг қўрқувини, ташвишларини ҳис қилади ва уларга нафақат дори-дармон, балки руҳий мадад, елкадошлик ҳам бўлади. Унинг назарида, даволаниш жараёнининг ярми – бу беморга умид бағишлаш, унинг руҳига жон киритиш. Кўзлари чуқур, теран маъно касб этган бу шифокор ҳар бир инсоннинг ўзига хос хусусиятларини илғаб олади, уларга мос муомала усулини топади”.

Ушбу тарифлардан сўнг **Ғайратдин Сабуровнинг ўзи** билан суҳбатлашиш мақсадида Нукус туман кўп тармоқли поликлиникага бордим. Шифокор аввалига мени бемор деб ўйлади шекилли, тезда худди “терговчи” дек, “прокурор” дек қарерим безовта қилишини ва касаллик тарихимни суриштира бошлади. Лекин, у ҳақида мақола ёзмоқчилигимни билган Ғайратдин ака бирданига сергак тортди ва самимий табассум қилди. Негадир ўзи ҳақида кўп гапиришни хуш кўрмади, менимча камтарлик қилдилар. Шундай бўлса ҳам, саволларимга аниқ ва лўнда жавоб бериши, айниқса, устозлари



Шифокорнинг юзидаги илиқ табассум, самимий нигоҳ, мулоим ва оталарча оҳангдаги овоз – буларнинг барчаси беморнинг юрагига таскин беради. У шошилмайди, ҳар бир беморнинг сўзига қўлоқ солади, уларнинг ҳар бир шикоятини диққат билан тинглайди. Баъзан оддийгина суҳбат, дарди бор одамнинг ичидаги кечинмаларини тўкиб солишига ёрдам беради. Унинг беморлари шунчаки “навбатдаги ка-

ҳақида, даволашга қандай ёндашув кераклиги, шифокорнинг ўз устида ишлаши ва билим-кўникмаларини доимий ривожлантириши ҳақидаги фикрлари менда алоҳида таассурот қолдирди.

“– Фидойи шифокор сифатида зиммамга юкланган вазифа ва топириқларни ўз вақтида тўғри ва аниқ бажаришни ёқтираман. Бу

ШИФОКОРЛИК – ФИДОЙИ ҲАЁТ, МУҚАДДАС БУРЧ



←Давоми. Боши 10 –бетда

касбнинг бошқа касблардан фарқи биз шифокорлар беморларнинг миллати, ирқий келиб чиқишига қарамасдан кун-утун, тинчлик ва фавқуллоддаги вазиятларда ҳам тиббий ёрдам кўрсатамиз. Чунки, биз шифокорлар Гиппократ қасамёдини қабул қилганмиз. Ушбу тамойилларни ҳаётимга тадбиқ этишида менинг устозларим Амударё тумани “Бердақ” врачлик пунктида Кўчқорбой ака, Нукус туманига ишга келганимда эса раҳматли Жарилқасин Давлетов ва Жайлаубай Тажибаевларнинг устозлик ўрни ва маслаҳатлари асосий роль ўйнади. **Устозларимдан ҳозир мингданминг розиман.**

Менинг фикримча, ҳозирда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларни аҳолига кенгроқ таништириб бориши керак деб ўйлайман. Чунки, 2020 йилдан бошлаб, рақамли тиббиёт ва телемедицина тизимлари жадал ривожланди. Давлат томонидан амалдаги тизимларга электрон тиббий карталар ва беморларнинг электрон маълумотлар базаси жорий этилди. Бу тиббий хизматларнинг самардорлигини оширди ва аҳоли учун ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берди. Тиббий билим олиш тизимида катта ислохотлар амалга оширилди. Касбий таълим ва қайта тайёрлаш тизими модернизация қилинди, тиббий фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор берилди. Бу билан, тиббий хизматлар сифати оширилди. 2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда тиббий суғурта тизими оммалаштирилган

ни кўзда тутилган. Давлат томонидан бериладиган аниқлаштирилган тиббий суғурта – аҳоли учун мақбул бўлган хизматлардан бирига айланди. Янгиланган тиббий муассасалар ва касалхоналар, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг натижасида, таъхис ва даволашнинг сифатини яхшилашга эришилди. Модернизация асосан катта шаҳарларда эмас, балки бизлар яшаб турган чекка ҳудудларда ҳам амалга оширилди. Шунингдек, аҳолига бирламчи тиббий бўғинда қафолатланган тиббий пакет тўпламига киритилган дори-дармонлар бепул берилмоқда. Яна шунини айтишим керакки, бу янгиланишларга ўз навбатида тиббиёт ходимларимиз ҳам муносиб бўлмоғи, узвий касбий ривожланишини тامينлаш мақсадида марказий тиббиёт муассасаларида тажриба алмашиб, ўз билим-кўникмаларини ўстириб бориши лозим деб ўйлайман. **Хуллас, шифокорлик – фидойи ҳаёт, муқаддас бурчдир** – дейди **Ғайратдин Сабуров**.

Ғайратдин Сабуровнинг даволаш усуллари анъанавий тиббиёт билимларига асосланган бўлса-да, у доимо янгиликка интилади. Тиббиёт фанидаги сўнгги ютуқларни ўрганади, замонавий технологиялардан унумли фойдаланади. Аммо унинг энг муҳим “қуроли” – **бу чуқур таҳлил, индивидуал ёндашув ва йиллар давомида орттирилган бой ҳаётний тажриба**. У ҳеч қачон шаблон бўйича ишламайди. Ҳар бир беморнинг касаллик тарихи, унинг организмнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаёт тарзи – буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда даволаш режасини тузади. У нафақат касалликни, балки унинг сабабларини ҳам бартараф этишга интилади. Баъзан, касал-

ликнинг илдизи оддий бир стресс ёки нотўғри турмуш тарзида ётиши мумкинлигини айтади ва беморга нафақат дори, балки ҳаёт тарзини ўзгартириш, руҳий осойишталикка эришиш бўйича чуқур маслаҳатлар ҳам беради. Унинг таъхислари аниқлиги, муолажалари самардорлиги билан танилган. Бу шифокор нафақат ўз касбига, балки жамиятга ҳам чуқур масъулият билан қарайди. У турли ижтимоий тадбирларда фаол иштирок этади, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган тарғибот ишларида бошқаларига намуна бўлади. Унинг нутқлари, маслаҳатлари доимо тингловчилар эътиборини тортади, чунки улар чуқур билим, бой тажриба ва самимият билан йўғрилган бўлади. У ёш шифокорларга устозлик қилади, уларга нафақат тиббиёт сирларини, балки инсонпарварлик, фидойилик ва касбга содиқликни ҳам ўргатади. Унинг атрофига доимо билимга чанқоқ ёшлар йиғилади, у эса уларга билганларини ўргатишдан сира чарчамайди. Маҳаллада, жамиятда унинг обрўси баланд. Кўпчилик унинг маслаҳатларига қулоқ солади, унинг тажрибасидан ўрнак олади. У шунчаки шифокор эмас, балки жамиятнинг фаол аъзосидир. Унинг касбдошлари орасида ҳам катта ҳурматга эга. У ҳеч қачон билимини қизғонмайди, тажрибасини бошқалар билан баҳам кўради. Қийин вазиятларда касбдошларига ёрдам беришдан сира эринмайди, уларга маслаҳат беради, кўмаклашади. Унинг раҳбарлик қобилиятлари ҳам юксак. Жамоада соғлом муҳит яратишга интилади, ҳар бир ҳамкасбининг фикрини ҳур-

мат қилади. Унинг ёнида ишлаган ҳар бир шифокор ўзини ишончли қўлларда ҳис қилади. У нафақат билимли шифокор, балки эзгу фазилатларга бой инсон, устоз ва раҳбар. Кўп йиллар давомида орттирилган обрўси, чинакам инсоний фазилатлари уни касбдошлари орасида юксак чўққига олиб чиқди. Ғайратдин Сабуровнинг оиласи ҳам унинг касбига бўлган муҳаббатини тушунган ва қўллаб-қувватлаган. Унинг рафиқаси, фарзандлари бу фидойиликни доимо қадрлашади. У уйда ҳам меҳрли ота, суюкли турмуш ўртоқ. Касбининг оғирлигига қарамай, у оиласига доимо вақт топади, уларнинг ҳаёти билан қизикади. Оиласининг қўллаб-қувватлаши унинг учун кучли таянчдир. Унинг уйида доимо илиқ муҳит ҳукмрон, фарзандлари унинг изидан бориб, улар ҳам инсонларга ёрдам беришни ўз бурчлари деб билишади. Бу оила – меҳр-муҳаббат, садокат маскани.

Мақоламиз қахрамонининг фидойи меҳнатлари Давлатимиз раҳбари томонидан муносиб рағбатга эга бўлиб, **2019 йилда «Шухрат» медали** билан тақдирланган.

Мана шундай шифокорларимиз бор экан, тиббиётимизнинг келажаги порлоқ. У шунчаки касб эгаси эмас, балки минглаб инсонлар қалбига нур улашган, уларга иккинчи ҳаёт бахш этган, ҳақиқий инсонпарварлик тимсолидир. Унинг ҳаёт йўли ва фидойилиги ҳар бир тиббиёт ходими учун чинакам намуна бўлса ажаб эмас.

Мухаммеддин БАВЕТДИНОВ,
журналист, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори.

Жараён

ОРОЛЬЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТИББИЁТ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Бунини Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиали ҳамда Нукус шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиалида Call-марказ таъкил этилиб, барча жараёнлар автоматлаштирилган. Чақирувларни шу ердан туриб назорат ва таҳлил қилиш имконияти яратилган. Нукус шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси лабораториясида эса рақамлаштириш туфайли бир пайтнинг ўзига 42 турдаги таҳлилни аниқлаш имконияти яратилган. Муҳими, таҳлил натижалари билан масофадан туриб ҳам онлайн танишса бўлади.



● АМАЛИЁТДА УСТОЗЛИК - БИЛИМИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ ●

УСТОЗ – ШОГИРД

МАКТАБИ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бошқа касблар қатори тиббиёт соҳасида ҳам юксак билим, масъулият ва инсонпарварликни талаб қиладиган муҳим йўналишлардан биридир. Бу йўлда билимли ва тажрибали мутахассисларни етиштиришда **“Устоз – шогирд”** анъанаси алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, **Каттакўрғон Абу Али ибн Сино** номидаги жамоат саломатлиги тиббиёт техникумида ушбу анъана замонавий таълим-тарбия усуллари билан уйғунлаштирилиб, самарали равишда йўлга қўйилган. Илк қадам махсус йўриқнома - Низом асосида тизимли иш. **2024-2025 ўқув йили бошида** техникум услубчиси, халқ таълими аълочиси, журналист-



ган устоз-шогирд мактаби нафақат ёш ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши, балки таълим сифатининг ошиши, илмий ва амалий тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтишида муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Устозлар шогирдларга нафақат назарий билим, балки амалий кўникмаларни ҳам улашмоқдалар. Бу жараёнда ёш ўқитувчилар тиббиёт соҳасининг турли йўналишларида – **ҳамишпиралик, шошилинч тиббий ёрдам, стоматология, акушерлик ва бошқа соҳаларда** тажрибали мутахассислар раҳнамолигида ишлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Техникум ёш ўқитувчилари устозлари орқали касбий маҳорат билан бир қаторда инсонпарварлик, сабр-тоқат, бағрикенглик каби



лар ижодий уюшмаси аъзоси **Исматулла Умаров** бошчилигида **«Устоз – шогирд» мактаби фаолияти** ижодий қўйилган. Ушбу Низом доирасида устозлар ва шогирдлар ўртасидаги муносабат, масъулиятлар ва иш режалари аниқ белгилаб берилди. Бугунги кунда шу асосда билим масканимизда мақсадли ва тизимли равишда ижобий иш олиб борилмоқда. **“Устоз-шогирд”** тизимини ташкил этишдан асосий мақсад, профессионал таълим йўналиши бўйича таълим бераётган ёш ўқитувчиларга тажрибали устозларни бириктириш, амалий жиҳатдан касбий жараёнларни мукамал ўзлаштириб, ибрат бўладиган, ижодий фикрлай олиш, одоб ахлоқли, маънавий етук бўлишини таъминлашдан иборатдир. Мана, **2024-2025 ўқув йилидан буён 13 нафар тажрибали**, ўз касбини билимдони бўлган, моҳир ўқитувчиларни ҳар бирига бир нафардан ёш мутахассис ўқитувчилар бирикитирилган. Устоз-шогирд тизими техникум директори буйруғи асосида тасдиқланган бўлиб, уни фаолиятини кенгаш бошқаради. Ҳар бир шогирд (ёш ўқиувчи) га ўзининг мутахассислиги йўналши ва фанидан келиб чиқиб унга тажрибали шу тизимда узок йил фаолият юритган, маълум бир тажрибага эга

бўлган устоз тайинланган бўлиб, устозга ўз шогирдини ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишида вазибалар белгилаб берилади. Ҳар бир ёш ўқитувчиларга белгиланган устоз билан ҳамжиҳатликда фаолиятларини амалга ошириш учун кенгайтирилган иш режа тузилган бўлиб, бунда мутахассислик кафедралар бўйича устоз билан ҳамкорликда **“Устоз-шогирд”** фаолиятини директор буйруғи билан ташкил қилинган кенгаш бошқаради. Устозларнинг фаолиятларини ўқув бўлими, техникум ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари, техникум касаба уюшмаси орқали назорат қилиниб борилади. Ва улар бу жараёнга шахсан маъсулдирлар. Устоз-шогирд тизими бўйича техникум кенгаши йиллик иш режа асосида иш олиб боради. Устозлар ҳар семестрда камида бир марта кафедра йиғилишида, ёки техникум педагогика кенгашида ўз фаолияти бўйича ҳисобот бериб туради. **Каттакўрғон Абу Али бин Сино** номидаги жамоат саломатлиги техникумининг тажрибали ўқитувчиларидан тиббиёт фанлари номзоди **“Хирургик касалликлар”** фани ўқитувчиси **Б. Салоҳиддинов**, **“Акушерлик”** фани ўқитувчиси **Н.Худайбердиева**, **“Тигина”** фани ўқитувчиси **Ж. Шаропова**, техникумнинг **“2- клиник касалликлар”**

кафедраси мудир бош ўқитувчи **Н. Салоҳий** каби устозлар бугунги кунда ўз шогирдларига ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун ўзининг кўп йиллик тажрибаси ва билимлари асосида ёш ўқитувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, уларда касбий маҳорат ва педагогик қобилиятларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Устоз шогирд мактаби доирасида доимий равишда маҳорат дарслари, очик ўқув машғулотлари ўтказиб ёш кадрларга педагогик етуклик сари йўл кўрсатмоқда. Ёш ўқитувчилар эса ўз навбатида устозларининг кўрсатмалари ва тажрибаларини амалиётда қўллаб, янги билимларни ўзлаштириб, малака оширишга интилишмоқда. Бу жараёнда фақатгина назарий билим эмас, балки ахлоқий тарбия, касбий одоб ва билимни тўғри етказиш санъати ҳам ўргатилади. Намунали фаолият кўрсатиб, шогирдлари юқори натижаларга эришган устозлар директор буйруғи билан моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилади. Ўқув йили натижаларига кўра, ҳар бир кафедрадан биттадан **“Йилнинг энг яхши устози”** ва **“Шогирди”** танловлари ўтказилиб, ғолиблар техникум маъмурияти томонидан рағбатлантирилиб бориш кўзда тутилган. Тиббиёт техникумида ташкил этил-

фазилатларни ҳам ўзлаштирмоқдалар. **2024-2025 ўқув йили** давомида устоз – шогирд мактаби доирасида бир қатор очик дарслар, мастер-класслар, давра суҳбатлари ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Бу тажриба ёш ўқитувчиларни билим даражасини оширишга хизмат қилди. Келгусида ушбу мактаб фаолиятини янада такомиллаштириш, устозлар салоҳиятини ошириш ва ҳар бир шогирдга индивидуал ёндашувни кучайтириш режалаштирилган.

«Устоз – шогирд» анъанаси нафақат ўтмишнинг бир қисми, балки бугунги ва келажак авлодни етиштиришда бекиёс аҳамиятга эга. Каттакўрғон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги тиббиёт техникумида мазкур анъана асосида олиб борилаётган ишларнинг натижалари шундан далолат берадики, бу тизим самарали ва келажакка ишонч билан қарашга замин яратади.

Исматилло УМАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмасининг аъзоси,
техникум услубчиси.

Мукаддам ТҲҲИЧЕВА,
Каттакўрғон Абу Али ибн Сино
номидаги жамоат саломатлиги
техникуми етакчиси.

ТУНГИ ЭНУРЕЗ

БУ КАСАЛЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Кўпинча оналар, оталар ва бувилар жоҳиллик туфайли, вақтидан олдин ташвишланишни бошлайдилар. Шунинг учун мен сизга эслатиб ўтмоқчиман: болангизда энурез пайдо бўлганидан шикоят қилиб, бошингизни афсус билан чайқайдан олдин, ўзингиз тушуниб олингки, болаларда сийдик чиқаришни мустақил назорат қилиш маҳорати бир вақтнинг ўзида эмас, балки турли ёшда шаклланади.

Бу ўғил ва қиз болаларнинг индивидуал ривожланиш хусусиятларига боғлиқ.

- 3 ёшга келиб болаларнинг тахминан 70 фоизи эрталаб қуруқ чойшабда уйғонади. Лекин ҳаммаси эмас.

- 4 ёшли болалар орасида бу 3/4 ташкил қилади.

- 5 ёшли болаларнинг 80 фоиз тунда тувакка бориш керак бўлса уйғонади. Улар сийдик пуфаги тўлганлигини жуда яхши билишади ва бу безовта қилувчи омилни йўқ қилиш учун уйқудан уйғонишга осонгина ўтишади. Шунинг учун кўпчилик шифокорлар сизга ишонч билан айтадилар: 4-5 ёшдан олдин ўзини ҳўллаган болани касал деб ҳисоблаш нотўғри. Ва ҳатто, 4-5 ёшда ҳам ваҳима қилиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, айниқса, тунги ҳижолат жуда камдан-кам ҳолларда бўлса. Фарзандингиз бундай нохушликни бошдан кечириётган ягона одам эмаслигини тушуниш муҳимдир. **5 ёшгача бўлган** болаларнинг 20 фоизи бу муаммога эга, ҳатто, 10 ёшли болаларнинг 5 фоизи ва 12-14 ёшли болаларнинг 2-3 фоизи ётоқда намланишдан азият чекади. 18 ёшда энурез ёшларнинг 1-2 фоизида учрайди, ҳатто, катталар аҳолисининг 0,5 фоизи (!) кечаси нам чойшабда уйғонади. Шунинг учун, азиз оналар ва бувилар, мавжуд муаммодан қўрқиб ёки ҳижолат бўлиш сизнинг манфаатингизга мос келмайди. Бу касаллик анча даволанади. Қанчалик тезроқ ҳаракат қилишни бошласангиз, натижаларини шунчалик тез кўрасиз. Энг муҳими-энурезнинг сабабини тўғри ташхислашдир. Нима қилиш керак? Агар болада энурез ташхиси қўйилган бўлса яхши мутахассисни топиш ва унинг тавсияларига амал қилиш етарли эмас. Катталар босими остида, эҳтимол, ўз муаммосидан ҳижолат бўлган ва ўзини ноқулай ҳис қила бошлаган болага тўлиқ ва етарли маънавий ёрдам кўрсатиш учун ўзингизни тинчлантиришингиз муҳимдир. Эса тутингки, сизнинг ҳар қандай муносабатингиз, хоҳ оптимистик, хоҳ пессимистик бўлсин, албатта фарзандингизга ўтади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандингизга бақирмаслигингиз, жазола-

маслигингиз ёки масҳара қилишингиз керак эмас. Бу фақат касалликни янада кучайтиради ва унинг устидан ғалаба қозонишни кечиктиради. Бола учун! Мутахассис билан тушунтириш суҳбатидан сўнг ота-оналар энурез билан оғриган ўғил ёки қизига нисбатан ҳатти-ҳаракатларини ўзгартирган ҳолатлар мавжуд ва бу муаммонинг ўз-ўзидан бир марта ҳамда бутунлай йўқолиши учун етарли. Агар болангиз аллақачон ўзига қандай ғамхўрлик қилишни билса, сиз унга душ қабул қилишни, тўшакни алмаштиришни ёки эрталаб ўз кирларини ювишни таклиф қилишингиз мумкин. Лекин бу, ғайри оддий ҳеч нарса бўлмаганидек, хотиржам ва иш-



Яна бир муҳим нарса: Шунчаки ушлаб туриш, қўрқув ва бошқа салбий ҳис-туйғуларни ўтказиш керак эмас. Сизнинг ўғлингиз ёки қизингиз ҳали ҳам бу узоқ сўзларни эмас, балки сизнинг ҳақиқий ҳис-туйғуларингизни сезади. Агар сиз ўзингиз билан кураша олмасангиз, психолог ёки психотерапевт билан маслаҳатлашиш яхшироқдир.

билармонлик билан амалга оширилиши керак. Бундай ҳатти-ҳаракатлар болага сизнинг қўллаб-қувватлашингиз ва севгингизни ҳис қилишига ёрдам беради ва унга бахтсизлик билан ёлғиз қолмаслигини исботлайди. Қуруқ кечалар учун мукофотлар тизими кўпинча самарали бўлади. Фарзандингиз билан тақвим юритишингиз мумкин, унда у нам ва қуруқ тунларни булут ва қуёш билан белгилайди. Беш (ўн ва ҳоказо) қуруқ кечалар учун бола қандайдир мукофот олишига рози бўлинг. Баъзи ота-оналар, қутилмаган уйғонишларнинг олдини олиш учун, кечаси боласини уйғотиб, уни тувакка қўйишни афзал кўришади. Усул хавфли. Гап шундаки, бола одатда ярим ухлаб ётганида тувакка қўйилади

ва бу фақат касалликнинг механизмни кучайтиради. Агар сиз болангизни кечаси уйғотсангиз, у тўлиқ ҳушида эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Энурез билан оғриган болаларнинг ота-оналари тез-тез мурожаат қиладиган яна бир ҳийла - бу боланинг куннинг иккинчи ярмида ичадиган суюқлик миқдорини кескин чеклашдир. Кичкина болага қаттиқ босим ўтказмасдан, буни фақат ўйин тарзда амалга ошириш мумкин. Иложи бўлса, ухлашдан 2 соат олдин унга ҳеч нарса ичтирмаганингиз маъқул. Кечкурун чақалоқнинг асаб тизимини ортиқча юкламаслигини таъминлаш ҳам муҳимдир. Иложи бўлса кечкурун, телевизор кўриш ва компьютер ўйинларини ўйнашга рухсат берманг. Тез ухлаб

қолиш ва кечаси тинчроқ ухлаш учун ўсимлик дори воситаларидан фойдаланиш яхшидир.

Фарзандингиз ҳаёти тенгдошларининг ҳаётидан фарқ қилмаслигига ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилинг. Оилавий таътиллاردан воз кечманг. Биринчидан, атроф-муҳитнинг ўзгариши боланинг уйдагига қараганда камроқ нам уйғонишига ёрдам беради. Иккинчидан, ота-оналар уни ҳал қилиш йўлини топа олмайдиган қийин муаммо эмас. Демак, ҳар бир касалликнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Гулмира ҚОСБЕРГЕНОВА
Нукус шаҳри 9-оилавий
поликлиника бўлими мудир.

Халқ табобатида тунги энурезга қарши усуллар

1. Арпа ва жавдар қайнатмаси

Таркиби: арпа (1 қошиқ), жавдар (1 қошиқ), сув (0.5 литр)

Тайёрлаш: арпа ва жавдарни сувда 10-15 дақиқа қайнатилади.

Қўллаш: суюқлик илтилиб, кундузи 2-3 маҳал кичик истеъмол қилинади (тўғри ухлашдан 2 соат олдин ичмаслик керак).


2. Асал

Усул: ҳар куни кечаси ухлашдан олдин 1 чой қошиқ табиий асал ейиш.

Таъсири: асал организмдаги суюқликни ушлаб туриш хусусиятига эга ва уйқуни енгиллаштиради.

3. Шалғам (репа) шарбати

Тайёрлаш: янгидан сиқилган шалғам шарбатини кичик миқдорда (1-2 қошиқ) ҳар куни кечаси бериш.



MPT

ГОЛОВНОГО МОЗГА ВЫЯВЛЯЕТ УСКОРЕННОЕ СТАРЕНИЕ И РИСК РАЗВИТИЯ ДЕМЕНЦИИ



В серии исследований, включавших более 50 тыс. МРТ-сканирований головного мозга людей в возрасте от 22 до 98 лет с использованием различных наборов данных, было установлено, что у тех, чей биологический возраст опережал хронологический, наблюдались не только худшие когнитивные способности, более быстрая атрофия гиппокампа и более высокий риск развития деменции, но и худшее общее состояние здоровья, включая более высокую хрупкость костей, более низкую самооценку здоровья и более высокий риск развития хронических заболеваний и преждевременной смерти.


Хотя необходимы дополнительные исследования нового инструмента, исследователи заявили об ожиданиях, что он будет готов к использованию в клинической практике через несколько лет.

«Возможно, наши самые смелые ожидания связаны с тем, что DunedinPACNI станет частью повседневной клинической помощи на протяжении всей жизни в качестве показателя более быстрого старения, который поможет врачам выявлять пациентов с риском ухудшения здоровья в будущем задолго до появления симптомов и когда профилактические меры могут быть наиболее эффективными», — рассказал Ахмад Р. Харири, директор Лаборатории нейрогенетики Университета Дьюка в Дареме, Северная Каролина.

Инструмент DunedinPACE-NI создан на основе более раннего долгосрочного исследования, в котором приняли участие более 1000 человек, родившихся в Данидине (Новая Зеландия) в 1972–1973 годах.

Первоначально исследователи использовали данные этого исследования для разработки DunedinPACE — эпигенетических часов, основанных на анализе крови, которые оценивают скорость старения, используя метилирование ДНК. Хотя DunedinPACE показал тесную связь с заболеваемостью, старением мозга и другими факторами, его применение ограничено исследованиями, в которых доступны образцы крови. Чтобы преодолеть это ограничение, исследователи разработали

DunedinPACNI, который использует данные одного стандартного T1-взвешенного МРТ-сканирования для оценки продольного темпа старения человека — составного индекса, отражающего физиологическое снижение в сердечно-сосудистой, метаболической, иммунной, почечной и других системах. Исследователи обучили DunedinPACNI на данных МРТ 860 участников исследования Dunedin, все из которых прошли сканирование в возрасте 45 лет.



Модель включала 315 структурных особенностей мозга. Применив эту меру к Инициативе по нейровизуализации болезни Альцгеймера (ADNI), наборам данных UK Biobank и BrainLat, ученые показали, что более быстрые оценки DunedinPACNI предсказывали когнитивные нарушения, ускоренную атрофию мозга и переход в диагностированное легкое когнитивное нарушение или деменцию. Например, в выборке ADNI у участников, считавшихся стареющими быстрее всех (верхние 10%) на момент включения в исследование, риск прогрессирования лёгких когнитивных нарушений или деменции в последующие годы был на 61% выше, чем у людей со средним возрастом. У быстро стареющих также раньше начинались проблемы с памятью, чем у тех, кто старел медленнее, согласно результатам DunedinPACNI.

В выборке Британского биобанка у здоровых участников с более высокой скоростью DunedinPACNI на исходном уровне на 14% чаще диагностировались хронические заболевания, связанные со старением, в дальнейшем. У людей, стареющих

быстрее всех, риск диагностирования хронических возрастных заболеваний был на 18% выше, чем у людей среднего возраста.

Быстрое старение также было связано с ухудшением когнитивных функций, более высокой степенью слабости и более низкой самооценкой здоровья. В среднем за 10 лет наблюдения у тех, у кого были самые быстрые показатели DunedinPACNI, вероятность смерти была на 41% выше, чем у тех, кто старел мед-

леннее. DunedinPACNI также отражает социальные градиенты неравенства в отношении здоровья.

Более быстрое старение наблюдалось у людей с меньшим количеством лет формального образования или более низким доходом. Показатель также имел аналогичную прогностическую силу в отношении риска развития деменции и когнитивных нарушений среди взрослых латиноамериканцев в когорте BrainLat.

«Похоже, он улавливает что-то, что отражается в мозгу каждого человека», — сказал Харири.

— Сейчас DunedinPACNI может сказать нам только, стареет ли человек быстрее или медленнее других в рамках любого набора данных или выборки. То есть DunedinPACNI в настоящее время является относительным показателем.

Он пока не показывает, стареет ли человек быстрее или медленнее, чем можно было бы ожидать от любого человека в любой точке мира того же хронологического возраста. Но ситуация быстро меняется».

Проведенное в США исследование показало, что новые «часы старения» мозга способны точно и надежно оценить, насколько быстро биологически стареет человек, с помощью одного сканирования МРТ, предлагая потенциальный инструмент, который поможет врачам прогнозировать риск развития деменции, легких когнитивных нарушений и других хронических заболеваний.

Исследователи разработали показатель темпа старения Данидина, рассчитанный на основе нейровизуализации (DunedinPACNI), чтобы оценить темп старения человека на основе таких характеристик МРТ головного мозга, как толщина коры, площадь поверхности, объем серого вещества, контрастность серого и белого вещества, объемы подкорковых структур и размеры желудочков.

«Для анализа десятков тысяч сканирований, собранных всю жизнь, необходимо для разработки этих норм, потребуется время, но мы уже начали это делать.

Мы уверены, что референтные нормы для DunedinPACNI будут готовы в течение следующего года, и, следовательно, DunedinPACNI может быть внедрен в клиническую практику в течение нескольких лет», — сказал Харири.

Он объяснил, что непосредственные варианты применения DunedinPACNI в исследовательской среде включают его использование в качестве меры результата в рандомизированных клинических испытаниях вмешательств с целью замедления старения, а также в качестве биомаркера ускоренного старения, который может помочь предсказать вероятность того, что пожилой человек перейдет от нормального когнитивного функционирования к легкому когнитивному расстройству или от легкого когнитивного расстройства к слабоумию.

DunedinPACNI также может быть использован в клинических испытаниях вмешательств при болезни Альцгеймера.

Это может стать суррогатным методом оценки исходов у молодых людей за десятилетия до возможного развития у них деменции, демонстрируя, что вмешательство замедляет старение, которое само по себе является одним из основных факторов риска развития деменции, сказал Харири.

«У пожилых людей DunedinPACNI может быть полезен в качестве инструмента скрининга для снижения неоднородности выборки путем включения всех людей, стареющих примерно с одинаковой скоростью, или исключения людей, которые стареют быстрее других и могут подвергаться повышенному риску побочных эффектов лечения, включая аномалии визуализации, связанные с амилоидом», — добавил Харири.

Игорь НАУМОВ
По материалам Medscape.

КАК ПРОСТО УСИЛИТЬ ТАБЛЕТКИ ОТ ДАВЛЕНИЯ?



JAMA Network Open: Ночной прием лекарств от давления эффективнее утреннего

Прием препаратов от давления перед сном оказался эффективнее утреннего — к такому выводу пришли китайские ученые из Сычуаньского университета.

Их исследование, опубликованное в журнале **JAMA Network Open**, показало: ночной прием улучшает контроль как ночного, так и дневного давления, не повышая риск побочных эффектов. В рандомизированном клиническом исследовании участвовали 720 пациентов с гипертонией, которые получали стандартную комбинацию двух препаратов — олмесартана и амлодипина — либо утром (с 6 до 10), либо вечером (с 18 до 22). Через **12 недель** у тех, кто принимал лекарства на ночь, давление ночью снижалось заметнее: систолическое — на 3 мм рт. ст. сильнее, диастолическое — на 1,4 мм рт. ст. Кроме того, целевых показателей ночного давления достигли 79 процентов участников вечерней группы — **против 70 процентов** в утренней.

Дневное давление также контролировалось лучше:

89 процентов пациентов из вечерней группы достигли нормы, тогда как в утренней — 82 процента. Утренние показатели давления снижались эффективнее, а потребность в повышении дозировки возникала реже.

Авторы подчеркивают, что ночной прием препаратов не только безопасен, но и может стать ключом к борьбе с плохо контролируемой гипертонией — особенно у тех, чье давление повышается именно ночью. Ранее стало известно, что всего две недели ежедневного употребления манго могут снизить давление и уровень холестерина у женщин в постменопаузе.

Даже короткий курс богатого фитонутриентами фрукта благоприятно влияет на сердечно-сосудистую систему и обмен веществ.



ЛОЖНЫЕ ПИЩЕВЫЕ АЛЛЕРГИИ

Учёные проанализировали данные результатов анализов у детей с диагнозами «пищевая непереносимость», поставленными на основе прик-тестов и анализов крови на **специфические IgE**, антитела, связанные с развитием аллергической реакции. Но самое интересное не это.

В крупном многоцентровом исследовании провокационных проб проходившем с 2008 по 2013 годы и охватившем почти 6,5 тысяч человек, частота хоть каких-то аллергических проявлений составила **14%**. Т.е. у 86% пациентов с диагнозом «пищевая непереносимость», поставленным другими методами, он оказался ложным.

В России, как выяснилось, ситуация еще более впечатляющая. Здесь диагноз подтвердился лишь у 6% детей, которым провели провокационные пробы. То есть еще раз: 94% детей, которым запрещали есть что-то, от орехов до молока, оказались в этом смысле совершенно здоровы. Всё это время они могли спокойно есть то же, что и остальные, не нуждались ни в каком особом рационе и ограничениях. Именно поэтому провокационные пробы в принципе появились в клинической практике: это единственный надежный метод выявить реально существующую непереносимость или аллергию и отличить ее от сенсibilизации.

Кроме того, при помощи этого теста можно поймать момент, когда реально существовавшая у ребенка непереносимость пройдет и убрать тяжелые пищевые ограничения. Ожидается, что методику провокационных проб включат в клинический протокол диагностики пищевой аллергии и рекомендации для всех больниц различных регионов.



101-ХИЗМАТИ ОГОХЛАНТИРАДИ

ОФТОБ УРИШИ: САБАБИ, АЛОМАТИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

Офтоб уриши - бу тана ҳароратининг меъёрдан ортиқ кўтарилиши ва организмнинг иссиқлик алмашинуви бузилиши натижасида юзага келадиган ҳолат.

Ушбу ҳолат кўпинча тўғридан-тўғри куёш нурларида ёки қаттиқ иссиқ муҳитда узок вақт бўлган одамларда рўй беради. Асосий сабаблари узок вақт куёш остида қолиш, иссиқ ва шамолсиз жойларда фаол ҳаракат қилиш, организмда суюқлик етишмаслиги, қалин ва ҳаво ўтказмайдиган кийим кийиш, иссиқ ҳавода жисмоний меҳнат қилиш ёки спорт билан шуғулланиш. Аломатлари бош оғриғи ва айланиши, қусиш ёки кўнғил айнаши, кучсизлик, ланжлик, танада қизариш, исиб кетиш, ҳарорат 39–41°C га чиқиши, хушдан кетиш. Ёрдам кўрсатиш дарҳол иссиқ жойдан сояга ёки салқин жойга олиб чиқинг, салқин сув билан юз-қўлини ва танасини артинг,

тоза сув ёки иссиқликдан химоя қилувчи ичимликлар ичиринг (газсиз сув, тузли эритмалар), аҳвол оғир бўлса, дарҳол тез ёрдам чақиринг. Олдини олиш чоралари куёш тўғридан-тўғри тушадиган вақтларда (соат 11:00 дан 17:00 гача) куёшда қолманг, кенг ёпик бош кийим ва ёруғ рангли енгил кийимлар кийинг, доимий равишда сув ёки тузли эритмалар ичиб туринг, иссиқ ҳавода жисмоний фаолликни чекланг, болалар ва кекса инсонларни иссиқда назоратсиз қолдирманг.

Жамол МИРЗАЕВ,
Қорасув қароргоҳи давлат
резиденцияси ОЎХТТЭБ қатта
инспектори, капитан.

ЧЎМИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Асосий хавфсизлик қоидаларига эътибор беринг. Чўмилиш мумкин бўлган жойларни танланг, фақат махсус белги қўйилган ва қутқарувчилар хизмати фаолият юритадиган жойларда чўмилиш, тақиқланган жойларда чўмилиш ҳаёт учун хавфли, таниш бўлмаган сув ҳавзаларида эҳтиёт бўлинг.

Сув тагида қандайдир қаттиқ буюмлар ёки илгакли нарсалар бўлиши мумкин, чуқурликни ва сув ҳароратини аввалдан текширинг, алкоголь ва наркотик воситалар таъсирида чўмилманг, бу ҳолатда ўзингизни назорат қилиш қобилияти пасаяди, хавф-хатар сезилмай қолиши мумкин. Болаларни назоратсиз қолдирманг - Болалар доимо қатталар назорати остида бўлиши керак. Уларга чуқур сувларга киришга, сузишга рухсат берманг. Совуқ сувга тўсатдан тушманг - Аввал танага оз-

гина сув сепинг, кейин секин аста тушинг. Тўсатдан совуқ сувга тушиш юракка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Узок сузманг ва кучингизни аниқ баҳоланг. Чарчаган пайтингизда сувда қолиш хавфлидир. Ҳаддан ташқари узокқа сузиб кетманг, қайтишга куч қолишига ишонч ҳосил қилинг. Сувга сакрашда эҳтиёт бўлинг. Чуқурликни аниқ билмаган ҳолда сувга сакраш мумкин эмас. Сув тагидаги нарсалар бош ёки тана жароҳатига сабаб бўлиши мумкин. Сувга шўнғиш, бири-бирини ушлаш, чўктириш каби ҳатарли ўйинлар билан шуғулланманг. Кимдир чўқаётган бўлса, дарҳол ёрдам чақиринг ва имконингиз бўлса қутқарув ҳаракатларини бошланг.

Нозим ЮСУПОВ,
Қорасув қароргоҳи Давлат резиден-
цияси ОЎХТТЭБ инспектори, капитан.

ИССИҚ ҲАВОДА

ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНИШ КЕРАК?

Ёзги мавсумда ҳароратнинг ортиши инсон саломатлигига, айниқса, овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун иссиқ кунларда рационал овқатланиш тартибига риоя қилиш ниҳоятда муҳимдир. Тўғри танланган овқатлар организмни керакли витамин ва минераллар билан таъминлаб, чанқоқни босади, ҳолсизлик ва иссиқдан келиб чиқадиған ноҳушликларнинг олдини олади.



Биринчи навбатда, организмни сувсизланишдан сақлаш керак. Қора чой ва қахвани камайтириб, бунинг ўрнига кўк чой, ялпизли дамлама, минерал сув ичиш тавсия этилади. Айниқса, ялпизли ва занжабилли ичимликлар тетиклаштиради, чанқоқни яхши босади. Иссиқ

ёнларини кучайтиради. Яшил салатлар, кўкатлар – петрушка, укроп, селдерей каби маҳсулотлар организмга зарур бўлган микроэлементлар ва тузларни тўлдиради. Бодринг, ковок, редиска, шолғом эса ёзги рационда бўлиши керак бўлган энг муҳим сабзавотлардандир. Сут маҳсу-

ичимликлар, ширинликлар ва музқаймоқ каби маҳсулотларни чегаралаш лозим. Улар иссиқда ҳазм бўлмасдан, ортиқча оғирлик ва саломатликка зарар етказиши мумкин. Ёз – бу соғлом турмуш тарзини бошлаш учун энг қулай фасл. Енгил овқатлар, кўп суюқлик истеъмоли ва фаол

Иссиқ ҳавода овқатланиш бўйича яна бир нечта тавсиялар:

Кўп сув ичинг: ҳар 20-30 дақиқада бир неча юмишқликда, минералсиз тоза сув ичиш, чунки бу организмда сув ва минераллар балансини сақлайди.

Ёғли ва тузли таомлардан узокроқ бўлинг: майли, қовурилган овқатлар ҳазмни оғирлатади ва тани қиздириши мумкин.

Мева ва сабзавотларнинг фойдаси: тарвуз, бодринг, қулуннай ва кўк мевалар яхши гидратация ва антиоксидант манбаи саналади.

Қаттиқ ичимликлардан сақланинг: газли сувлар, шакарли шарбатлар ўрнига, табиий йогуртли айран ёки кефир каби нисбатан салқин маҳсулотларни истеъмол қилиш мақбул.

Мамлакатга хос сабзавотли салатлар: табиий бўлган сабзавотлардан иборат салатлар иссиқ ҳавода оптимал танловдир.



ҳавода оғир ва ёғли овқатлар ҳазм бўлиши кийин бўлгани сабабли, енгил ва осон ҳазм бўладиган маҳсулотлар афзал. Кўпроқ сабзавот ва мевалардан фойдаланиш керак. Апельсин, шафтоли, узум, олхўри, қовун каби мевалар эрталаб истеъмол қилинганда фойдали бўлади. Кечки пайт ёки овқатдан кейин мева истеъмоли эса ачиш жара-

лотларига келганда, фақат янги ва музлаткичда сақланган маҳсулотларни танлаш зарур. Сут маҳсулотлари – кефир, қатик, йогурт чанқоқни босади ва ичак флорасини соғломлаштиради. Аммо уларни хона ҳароратида сақлаш овқатдан захарланишга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, тез тайёр овқатлар – чипс, гамбургер, газли

ҳаракат танани чиниктиради, саломатликни мустаҳкамлайди. Тўғри овқатланиш орқали иссиқ кунларни енгил ва соғлом ўтказиш мумкин.

Ким НАТАЛЯ,
Санитария эпидемиология
осойишталик қўмитаси
Тошкент шаҳар бошқармаси
Бектемир тумани бўлими
врач эпидемиологи.

101-ХИЗМАТИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШИМИЗ ЗАРУР

Ёзнинг жазирама кунлари келиши билан ёнгинлар хавфи кескин ошади. Ҳароратнинг ортиши, қуриган ўт-ўланлар, бепарво ҳаракатлар ёки техник носозликлар натижасида ёнгинлар юз бериши мумкин.

Ёнгинларнинг олдини олиш эса ҳар бир фуқаро, ташкилот ва жамоа учун долзарб вазифадир. Профилактика – бу ёнгин чиқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Ёнгинлар профилактикасининг асосий мақсадлари:

Ёнгин хавфини камайтириш, одамлар ҳаётини ва мулкни сақлаб қолиш, экологик офатларнинг олдини олиш, ёнгин юзага келган тақдирда тезкор чоралар кўриш учун тайёргар-

ликни ошириш. Профилактик чоралар маиший ёнгинлар профилактикаси, газ, электр ва иситиш ускуналарида тўғри фойдаланиш, болаларни аланга, гугурт, газ плитаси яқинидан узоқ тутиш, электр симларининг бузилган қисмларини ўз вақтида таъмирлаш. Кишлоқ ва ўрмон ҳудудларида қуриган ўт-ўланларни назорат остида йўқотиш. Ўрмонларда гулхан ёқмаслик ёки маҳсус рухсат билан эҳтиёткорлик билан ёқиш ва сигарет қолдиқларини йўқ қи-



лиш. Ёнгин юз берганда қандай ҳаракат қилиш керак? Дастлаб, ёнгин ҳақида тезда 101 рақамига қўнғирок қилинг. Ёнгин жойидан иложи борица тез ва хавфсиз тарзда узоқлашинг.

Хулоса қилиб айтганда,

ёнгинлар инсон ҳаётига энг катта таҳдид туғдирувчи фавқуллода вазиятлардан биридир. Шунинг учун профилактик чораларга риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Исломиддин САРСЕНОВ.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносида Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 2-бўлинмаси кичик инспектори, кичик сержант.

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ – профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Фарҳод ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.
Дамин АСАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Фарҳод РАҲИМҚУЛОВ – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири котибияти.
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби.
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Стратегик режалаштириш, статистика ва самарадорлиқни баҳолаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Улуғбек СОБИРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Солижон МҲМИНОВ – тиббиёт фанлари номзоди.
Хуршид ФОЗИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Наргиза ПАРПИЕВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Илмира РАЗИКОВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Рихси САЛИХАДЖАЕВА – тиббиёт фанлари доктори.
Валихон ҲАКИМОВ – тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Назарбек санаторийси директори.
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар академияси ректори.

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060,
Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси,
30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт –матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana"газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми **2 босма табоқ**.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.
Адади – **620** дона. Буюртма рақами **Г-710**.
Босмахонага топширилиш вақти: **21 –00**.
Топширилди **20–00**. 3 4 5 6 7